

КУН
НАФАСИ



«Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» саммити

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Чўлпонота шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи етакчиларининг иккинчи учрашувида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари саммитда нутқ сўзлади.

Чўлпонотадаги учрашув иштирокчилари Президент Шавкат Мирзиёевнинг навбатдаги «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» саммитини келгуси йилда Ўзбекистонда ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Учрашув якунида давлат раҳбарлари матбуот учун Қўшма баёнот қабул қилдилар.



Шарль Мишель билан учрашув

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Чўлпонотадаги Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи етакчиларининг иккинчи учрашуви доирасида Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель билан учрашув ўтказди.



Олий Мажлис Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси

Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мажлис давомида ўнта масала кўриб чиқилди. Шундан еттита қонунлар бўлиб, уларнинг барчаси маъқулланди. Шунингдек, мажлис давомида Марказий банкнинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Олий суд ҳамда Судьялар олий кенгаши таркибига бир қатор ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шу билан Сенат ялпи мажлиси якунига етди.



Наманган вилояти

«Меҳржон»да мавсум муҳокамаси



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши ҳамда Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Наманган вилояти бошқармаси ҳамкорлигида 2023 йил ёз мавсумида мактаб ёшидаги ўғил-қизларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида кўргазмали ўқув-семинари ташкил этилди.

Чуст туманидаги «Меҳржон» оромгоҳида ўтказилган ушбу семинарда вилоят ҳокимлиги, фавқулодда вазиятлар бошқармаси, вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят давлат санитария-эпидемиология осойишталик марказидан вакиллар иштирок этишди.

Тадбирда оромгоҳ раҳбарлари, тарбиячилар, тиббий ходимлари, спорт йуриқчилари, ички ишлар ходимларининг вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Журналист ва блогерлар оромгоҳлар бўйича ўзларини қизиқтирган барча са-

волларга жавоб олишди.

Маълумот ўрнида:

«Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан барча ҳудудларда оромгоҳлар бўйича департаментлар ташкил этилди.

Айни пайтда Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Наманган вилояти бошқармаси балансига вилоятдаги мавжуд 7 та оромгоҳ мулк ҳуқуқи асосида Ўзбекистон ва белгиланган тартибда далолатномалар расмийлаштирилди.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»



Болажонлар – касба уюшмалари эъзозиди

Эътибор

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ВА ОИЛАВИ БОЛАЛАР УЙЛАРИДА ТАРБИЯЛАНАЁТГАН ЁШ АВЛОД УЧУН БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗДИ.

Дастлаб пойтахтимиздаги «Касаба уюшмалари саройи»да 600 нафар болажон тарбиячилари ҳамроҳлигида тантанали кутиб олинди. Улар эртак қаҳрамонлари ва цирк артистлари билан мулоқотда бўлишди, эсдалик учун расмларга тушишди. Енгил тамаддидан сўнг «Синбадининг янги саргузаштлари» номли мусиқали спектакли томоша қилишди.

Мухташам «Versal» ресторанида бўлган тушлик ҳам маданий тадбирларга улашиб кетди. «Болалар» гуруҳи солисти Тоҳир Содиқов ижросидаги кўшиқлар болажонларнинг кайфиятини янада кўтарди.

«Хумо Арена» муз саройи бўйлаб саёҳат ҳамда бу ерда Миллий гвардия фахрий қоровул қўшинлари томонидан намойиш этилган кўргазмали чиқишлар ўғил-қизлар қалбида Ватанга бўлган муҳаббат туйғуларини янада жўштирди.

Кун қаҳрамонларини «Адиблар хиёбони»да Миллий гвардия ҳарбий оркестри ва отлиқ аскарлар танта-

нали кутиб олишди. Хиёбонда шоир ва ёзувчилар, уларнинг асарлари ҳақида дилтортар сўхбатлар бўлиб ўтди. Байрам болажонлар унутилмас ва ёдда қолажак таасуротлар улашди.

Тарбияланувчиларимизнинг қувончи чексиз, – дейди Тошкент шаҳридаги 22-сонли Меҳрибонлик уйи раҳбари Дилфуза Жўраева. – Масалан, Эъзога қизим ҳар бир манзилга бўлган ташрифдан сўнг «Ойжон, жуда зўр бўляпти!» деб мени кучоқлаб кетаяпти. Уларнинг шодлиги бизнинг ҳам қувончимиз. Бунинг учун тадбирлар ташкилотчиларига алоҳида ташаккур билдирамиз!

Бу каби эътирофларни нафақат тарбиячилардан, балки болажонлардан ҳам кўп эшитдик. Энг муҳими, уларнинг кўзларида порлаган қувонч уқунлари оламни янада нурафшон этгандек бўлди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Сайдақбар АБДУРАҲИМОВ олган суратлар



«Янги авлод боғи»даги қувноқ кулгилар

Пойтахтимиздаги «Чинобод» сихатгоҳи ҳудудида болажонлар учун «Янги авлод» боғи ташкил этилди.

Маъмур боғнинг фойдаланувчиларга топширилиши ўта тантанали кечди. Сихатгоҳ ходимлари ҳамда дам олувчиларнинг фарзандлари ҳамда санаторийга тақлиф этилган болажонлар учун байрам дастури намойиш этилди. Улар боғдаги эртак қаҳрамонлари атрофида уйнашди, халқ озаки ижоди намуналарини куйлашди, чизган асарларини намойиш этишди.

Мадина ПЎЛАТ ҚИЗИ
«ISHONCH»

Тадбир

ОЛАМ ШОДЛИККА ТЎЛСИН

Шайхонтоҳур туманидаги «Саба дармон» клиникаси Халқаро болалар куни муносабати билан ҳудуддаги оилалар фарзандлари ҳамда ногиронлиги бор болажонлар учун байрам тантанасини ташкил этди.



Тадбир сўнггида болажонларга ширинлик ва ичимликлар ҳамда эсдалик совғалари тарқатилди. Ногиронлиги бор болажонларга моддий ёрдам берилди.

Раяно МАҲКАМОВА
«ISHONCH»



ПОЙТАХТ МАРКАЗИДА БИР АСРЛИК ЧИНОР ҚЎПОРИБ ТАШЛАНДИ

Миробод тумани Бухоро кўчаси (Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ёни)даги бир асрлик тарихга эга даракт кеча тунда номатълум шахслар томонидан кесиб кетилган.


Шу ердаги ободонлаштириш ходимларининг айтишича, кеча тунда пойтахтда қаттиқ шамол бўлган. Даракт ўз оғирлигини кўтарга олмай, кулаб тушган.

Биринчидан, кеча пойтахтда кучли шамол ёки ёмғир ёққани ҳақида бирон-бир хабар тарқалгани йўқ.

Иккинчидан, шундай ҳайбатли даракт кулаб тушади-ю, уни шу атрофдагиларнинг ҳеч бири кўрмаса... Қизиқ-а? Бу ҳам етмагандек, фавқулодда ҳолатларда топиб бўлмайдиган мутасаддилар гўёки шу дарактнинг кулаб тушишини олдиндан сезган-у, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, унинг энг керакли (мебел-боп) қисмини олиб кетишга, даракт кулаган жойни эса худди ҳеч нарса бўлмагандек, саранжомлаб қўйишга улгурса...

Мазкур масалага мутасаддилардан изоҳ кутиб қоламиз!

@ishonchuz_official





Наманган вилояти

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустриyasi ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ҳудудларда янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар яқиндан таништирилмоқда.

Муҳим мавзуда мулоқот

Наманган вилоятида шу мавзуда ўтказилган тадбирда Федерация вакиллари, мутахассислар, тармоқ ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш нозирлари, юристлар ҳамда бошланғич касаба уюшма фаоллари иштирок этди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустриyasi ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Шоҳиста Чориева меҳнат муносабатларидаги янгиликлар, меҳнат қонунчилигига киритилган ўзгаришларга атофлича тўхталиб ўтди. Шунингдек, тадбирда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик, ишга жойлашиш, меҳнат шартномалари, таътилар, хизмат текшируви ва меҳнат низолари каби масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилиш иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Феруза ЭРМАТОВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустриyasi ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси

Тошкент шаҳри

Расмий бандлик қулайликларидан хабардормисиз?

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустриyasi ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши мутахассислари Халқаро меҳнат ташкилотининг «Норасмий иқтисоддан расмий иқтисод сари» лойиҳаси доирасида қатор қурилиш объектларида учрашувлар уюштирди.

Улардан бири «Янги Ўзбекистон» боғи яқинида 2,6 гектар майдонда қад кўтарилган «RABAD» қурилиш материали сотувига мўлжалланган савдо марказида ташкил этилди.

Савдо марказида нафақат савдо-сотиқ фаолияти, балки бассейни, болалар ўйингоҳлари, емакхоналар каби дам олишга йўналтирилган шароитлар ҳам яратилди. Қурилиш объекти 2024 йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.

Сир эмаски, қурилиш объектларида норасмий ишловчилар кўп. Бандликка бундай ёндашиш ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, чунончи, келажакда рисоладагидек пенсия олиш имкониятига чекловлар қўяди. Халқаро меҳнат ташкилоти вакиласи Лилия Қачқинбаева қурувчиларга расмий бандликнинг афзалликлари ҳамда норасмий бандликнинг оқибатларига кенг тўхтади.

Тармоқ касаба уюшмаси мутахассислари бунёдкор-қурувчилар билан яқиндан мулоқот ўрнатиб, уларнинг меҳнат муҳофазаси қай даражада таъминланаётгани билан танишишди. Қурувчилар суҳбат асноси ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Яна бир учрашув Юнусобод туманида 14 гектар майдонда қад кўтарилган «NICH TOWN PLAZA» қурилиш объектида ўтказилди.

Йиғирмага яқин тураржой, боғча, мактаб ва йирик савдо марказини жамловчи кичик шаҳарча қурилиши Хитой инвесторлари ва мутахассислари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. 500 нафар бунёдкор меҳнат қилаётган ушбу объектда ҳам ишловчилар ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларидан хабардор қилинди.

Халқаро меҳнат ташкилоти вакиласи Лилия Қачқинбаева аҳоли тўпланадиган жойларда, масалан, бозорларда ҳам бўлиб, норасмий банд бўлганлар билан суҳбатлашди.

Кўпчилик иш билан расмий банд бўлиш қулайликларидан беҳабар,

– дейди Лилия Қачқинбаева. – Нима учун бундай тарзда ишлаётганлари билан қизиққанмизда иш берувчиларнинг талаби шундай бўлаётганини таъкидлашяпти. Кўпинча, бу ҳолатлар мавсумий ишларда кузатилади. Айна шунинг учун ҳам аҳолига иш берувчилардан меҳнат шартномасини тузиш, фаолиятни расмийлаштиришни талаб қилишларини уқтирмоқдамиз.

Бу каби расмий бандликка қақурув тадбирлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Инсон қадрини улўғлаш, бу – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демокдир.

Миннатдорлик

Ёлғизлатиб қўйишмади

Ушбу широнинг мазмун-моҳиятини бугун ўз ҳаётимда чуқур ҳис қилдим. Гап шундаки, кўп йилдан буён «Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖда ишлаб келаётган эдим. Пенсия ёшига етганим важи билан мен билан тузилган меҳнат шартномаси жорий йилнинг 28 апрель куни директорнинг тегишли буйруғи билан бекор қилинди.

Ҳақ-ҳуқуқларимни тиклаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилдим ва уларнинг саъй-ҳаракати билан аввалги ишимга тикландим.

Шу тариқа қонун устуворлиги амалиётда ўз тасдиғини топаётгани, касаба уюшмаларидек суянчим борлигини яна бир қарра ҳис қилдим.

Зокиржон АҲМЕДОВ

Фарғона тумани

Тошкент вилояти

Тараддуд

Оромгоҳлар мавсумга шай

Бўстонлик туманидаги «Гўлзор» болалар дам олиш масканида касаба уюшмалари тасарруфидаги оромгоҳларнинг мавсумга тайёргарлигига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши, шунингдек, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, халқ таълими, фақуллода вазиятлар, ёшлар ишлари ҳамда ички ишлар тизими масъуллари қатнашди.

Қайд этилганидек, мавсум кўнгилдагидек ўтиши учун тегишли оромгоҳларда таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари, озиқ-овқат масаласи, санитария-гигиена талаблари, жамоат тартибини сақлаш, хавфсизлик чоралари каби йўналишдаги ишлар изчиллик билан бажарилди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, мавсум 5 июндан бошланади ва вилоятдаги 163 та оромгоҳда 49 мингдан ортиқ ўғил-қиз соғломлаштирилиши режалаштирилган. Маҳаллий ҳокимликлар оромгоҳларни сифатли ва арзон нарҳлардаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Тадбир



Ким кўп китоб ўқийди?

Ғузур туманида «Китоб ва китобхонлик – илм ва маънавият кўзгуси» мавзусида анжуман ҳамда «Ким кўп китоб ўқийди?» танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

81 та таълим муассасаси кутубхоначилари ҳамда танловнинг саралаш босқичида юқори натижага эришган 44 нафар китобхон иштирокидаги маънавий-маърифий тадбирлар жуда файзли ўтди.

Танловда ўқитувчи ва ўқувчилар алоҳида беллашди. Яқунда 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ирода Юсупова ҳамда 24-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Сабрина Саидмуродова танлов ғолиби деб топилди. Шунингдек, «Китобхон устоз», «Китобхон раҳбар», «Зукко китобхон», «Ёш китобхон», «Китобхон муҳлис» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ғузур тумани кенгаши томонидан ажратилган китоблар тўплами билан тақдирланди.

Ҳудди шундай тадбир Шаҳрисабз шаҳрида ҳам ўтказилди. Унда ёш авлоднинг маънан баркамол вояга етказиш, улар орасида мутолаа маданиятини шакллантиришда самарали меҳнат қилаётган ўқитувчилар қатнашди.

«Энг яхши китобхон» деб номланган тадбирда фидойи устозлар ўзлари ўқиган асарлардан шингил ҳикоялар сўзлаб беришди. Қизиқarli викторина савол-жавобларга бой бўлди.

Китобсевар ўқитувчилар тармоқ касаба уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгаши томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

Муҳокама

«Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖда 2020-2022 йиллар учун тузилган жамоа шартномалари муҳокамаси бўлиб ўтди.

Ҳар бир ходим эътиборда

Йиғилишда амалдаги жамоа шартномасининг 2022 йилда бажарилиш яқунлари, келгуси йилларни учун янги жамоа шартномаси лойиҳасини тузиш каби қатор масалалар кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, уч ярим минг нафардан зиёд аъзога эга ташкилотда 2022 йилда жамоа шарномаси ихросини таъминлаш мақсадлари учун 134 миллиард 889 миллион сўм маблағ сарфланган. Бу – ҳар бир ходимга 38 миллион сўмдан зиёд маблағ тўғри келади, деганидир.

Масалан, аввалги йилларда ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат шароитлари ва маиший шароитларни яхшилаш учун 4 миллиард 917,7 миллион сўм сарф қилинган бўлса, 2022 йилда худди шу мақсадларга 10 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик

иш ҳақи 7 миллион сўмдан зиёдроқни ташкил этди.

Ходимлар ва уларнинг болаларини дам олдириш масаласида ташкилот доимий равишда санаторийлар ва оромгоҳлар хизматида фойдаланиб келаётир. Ўтган йили 328 нафар ишчи-ходим санаторийда дам олиб қайтди. Ходимларнинг 919 нафар фарзанди «Нефтчи» оромгоҳида дам олдирилди.

Жамоа шартномалари муҳокамасида шу каби бир қанча масалалар тилга олиб ўтилди. Кейинги йилларга мўлжалланган жамоа шартномалари келишуви тузилди ва бир овоздан маъқулланди.

Сардор ЭРҒАШЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Бухоро вилояти кенгаши бўлим мудири



Андижон вилояти

Муяссархон Турдиева Андижон шаҳридаги «Хўтанариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган эди. Аммо у тўсатдан ишдан бўшатилди.

Касаба уюшма аралашгач...

Ноқонуний буйруқ бекор қилинди

Бундан норизо бўлган М.Турдиева Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Кенгаш мутахассислари мазкур масала юзасидан ўрганиш ўтказди. Аниқланишича, Президентнинг тегишли фармонида биноан фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари фуқаролар йиғини раисининг тақдимномасига асосан фуқаролар йиғини кенгашида муҳокама қилиниб, лавозимга тасдиқланиши ёки бўшатилиши керак. Жараёнда бу ҳолат кузатилмаган.

Ушбу ҳолатлар инобатга олинган ҳолда Андижон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суд жараёнида иш берувчи даъвогар билан меҳнат шартномасини нима сабабдан бекор қилганлиги ҳақида бирор бир ҳужжат тақдим қилмади.

Суд М.Турдиеванинг лавозимидан озод этилиши ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқни ғайриқонуний деб топди. Даъвогарнинг иш берувчига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий проғул учун ҳақ ундириш ҳақидаги сўрови қаноатлантирилди.

Сарварбек КОЗИМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раис ўринбосари

Биз нега кўпинча эркакларни зўравонликда айблаймиз?

Мулоҳаза

ҲАР ТҶОСИДА БИР НУҚС

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда зўравонликлар, айниқса, ёш қизларга нисбатан таъвозулар ҳақида турли-туман хабарлар кўпаймоқда. Албатта бу иллатнинг биз билмаган, ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтирмаган тарихи ва асослари бор.

Мен жиноятга қўл урган кўплаб болаларнинг оиласи билан қизиққанман. Барчасида деярли бир хил аҳвол: оилада носоғлом муҳит юзага келган, ё ота, ичкиликка муқкасидан кетган ёки она боласидан юз ўтирган. Энг ачинарлиси, бугун нафақат нотинч, балки намунали саналган оилаларнинг фарзандлари орасида ҳам жиноятга қўл уриш ҳолатлари учраётганидир.

— Шу йилнинг ўзида воёга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун 1270 ҳолатда ота-оналарга маъмурий жавобгарлик белгиланди, — дейди Самарқанд вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси масъул ходими Анвар Долиев. — Улар орасида мунтазам равишда дарс қолдириш, ўзгаларга енгил тан жароҳати етказиш, ҳақоратлаш каби ҳуқуқбузарликлар кен тарқалган. Бундай ноҳушликларнинг олдини олиш учун умумтаълим мактабларида инспектор-психолог штатлари жорий этилган. Бу касб эгалари ўқувчилар билан ишлашда педагогларга кўмакдош бўлишпти. Бироқ замонавий ёшлар тарбияни фақат оила ёки бошқа давралардан эмас, видео, аудио кўрсаткичидаги одоб-ахлоққа зид ҳар хил ахборотдан ҳам олишяётгани, баъзилари уларнинг таъсири остида қолдиришга ҳеч кимга сир эмас.

Вилоят ИИБ ҲПБга бевосита бўйсунувчи, воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига йил давомида 307 нафар бола олиб келинган. Содир этган қондабузарликларига кўра, уларнинг 4 нафари Республика ўқув-тарбия муассасаларига, 8 нафари «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» Самарқанд филиалига жойлаштирилган.

МУАССАСАЛАР ОИЛАЛАРГА АЙЛАНТИРИЛДИ

Бинобарин, эндиликда фақат нотинч оилаларига ҳуқуқбузарликлар ўчоғи бўлиши мумкин, деган қарашлардан воз кечиш фурсати етди. Бу масалада қайсидаир оила билан алоҳида ишларнинг ўзи кифоя қилмайди. Қолаверса, халқ орасида «Меҳрибонлик уйлари болаларида жиноятчиликка мойиллик кўпроқ», деган гап ҳам юради. Амалда аксинча ҳолат ҳам кузатилади, аниқроғи, бу муассасалардаги болалар кўпроқ зўравонликка учрашпти.

Болалар алоҳида меҳр истайди, уларнинг ижтимоий муассасага эмас, аниқ бир кишига фарзандликка берилиши, оилавий муҳитда яшаш керак, деган тушунча ва бошқа кўплаб омилларга кўра ушбу йўналишда жиддий ислохотлар ўтказилди.

— Ҳозир вилоятимиздаги болалардан 4088 нафари – васийлик ва ҳомийликда, 78 нафари «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг Самарқанд филиалида, 51 нафари 9 та оилавий, 46 нафари вилоят болалар уйида, 41 нафари 28 та патронат оилада тарбияланмоқда, — дейилади Болалар масалалари бўйича вилоят комиссияси вакили Ш.Қувватовнинг халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясидаги ахборотида. — Президентимизнинг «Етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Меҳр дафтари» тизими жорий этилиб, 627 нафар бола ушбу платформага киритилди. Шундан 576 нафарининг орзу-истаги ҳисобга олиниб, 130 турдаги 1257 та махсулот, жумладан, ноутбук, планшет, телефон, спорт анжомлари, велосипед, мебель жиҳозлари, тикув машинаси, бадий асарлар ҳамда тилларни ўргатишга доир китоблар олиб берилди. Улар ёш авлод муаммоларини ҳал этиш, истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, таълим-тарбиясини яхшилаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш мақсадида харид қилинди.

Бултур 36 нафар етим уй-жой билан таъминланган бўлса, бу йил 48 нафари навбатга қўйилган. Дастлабки чорақда вилоятда 98 нафар бола ота-оналарининг нотариал ролиги ва суд қарорига биноан, қариндошларига, етим ва ота-она

қармоғидан маҳрум бўлган 5 нафар бола эса фарзанд асраб олиш ниятидаги оилаларга берилди. Шунингдек, ишлаш учун хорижга кетган ота-оналарнинг 580 нафар фарзандларига ҳамда ота-она қармоғидан маҳрум бўлган 51 нафар болага васийлар ва ҳомийлар тайинланди.

Табиийки, камчиликлар ҳам бор. Масалан, мактаб психологларининг нотўлиқ ва носоғлом оилалардаги ўқувчилар билан алоҳида ишлаши жорий этилмаган, маҳаллалар томонидан улардаги ижтимоий муҳитни соғломлаштириш чоралари кўрилмаган. Маҳалла хотин-қизлар фаоллари ушбу тоифадаги оилалар бекалари билан манзилли иш олиб боришмаётгани тўғрисида аксарият қизлар ноҳўя йўлга кириб қолишмоқда.

БОЛА – ЎҶ ОЛИШ ҚУРОЛИ» ЭМАС!

Психологияда зўравонлик ҳолати айнан оилада шаклланади, деган тушунча бор. Хўш, уни кенгроқ таҳлил қилсак, асосан қайси ҳолатлар бола руҳиятига таъсир қилади, қандай оилада зўравонлик учун муҳит яратилади?

— Бирор уйда зўравонлик содир бўлгани ҳақида гап кетса, аввало, ўша оиладаги муҳит ўрганилади, — дейди СамДУ психологика кафедраси катта ўқитувчиси, амалиётчи психолог Абира Бахромова. — Ота-онанинг маънавияти етарли даражада шаклланган, оилада соғлом муҳит бўлмаган, психологик мувозанат меъёри бузилган вазиятлар кузатилган ҳондонда кемтикликлар бўлади. Дейлик, оилада ота доимий равишда аёлига қўл кўтарса, бола буни нормал ҳолат сифатида қабул қила бошлайди. Бу масаланинг тарбиявий томони. Руҳий жиҳатдан эса, бола онга қандай муносабат бўлади ва қалайди. Бу пайтда у онаси томонда бўлади ва қалбида дунёга нисбатан нафрат уйғонади.

Бундай оилада ўсган қиз бола ҳам ушбу ҳолатни нормал қабул қилиб, кейинчалик ҳаётида шундай воқеа рўй берса, ҳаммасига чидаб яшаш керак, деган фикрда собит қолади. Психикасида эса жиддий нуқсонлар учрайди, ички «мени» шаклланмай қолади. Янада ачинарлиси, у келгусида турмуш ўртоғига ҳам бахт беролмайди. Алоҳида таъкидлашмай, биз зўравонликни кўриб улғайиш фақат ўғил болаларга ёмон таъсир қилади, улар келгусида ўз аёлига шундай муносабатда бўлади, деб ўйлаймиз. Аслида бу қиз бола учун ҳам жиддий зиён. Яъни у турмушга чиққач, оиладаги муҳит сабаб ўз шахсиятини шакллантиролмайди ва умр йўлдошига ҳам етарлича бахт беролмайди. Бу эса пировабдида унинг ҳам қуюққондан чиқишига сабабчи бўлади.

Келинг, шу ўринда зўравонлик тушунчасига кенгроқ тўхталайлик. Зўравонлик жисмоний, руҳий, жинсий, иқтисодий таъсир ўтказиш ёки шундай таъсир ўтказиш орқали инсонлар ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган барча эрк ва ҳуқуқларига таъвозу қилиш демакдир. Молиявий чеклаб қўйиш, яъни ҳаёт учун зарур элемент моддийлик таъминланмаса, иқтисодий босим дейилади. Руҳий босим ўтказиб, камситиб, лақаб қўйиб, инсон ўрнида кўрмаса, бу – психологик зўравонлик ҳисобланади. Жинсий эҳтиёжларини ноанъавий тарзда қондириш, болалар номуслига тегиш, калтаклаш ва ҳоказолар жисмоний зўравонликлар сирасига қиради.

Кўпинча биз эркаклар зўравонликда айб-лаб, айюҳаннос соламыз. Агар туб илдизига боқсак, биринчидан, у болаликдаги қалб жароҳатлари асорати (оиладаги ноқисликлар, носоғлом муҳит, жанжал бўлмаса-да, аммо ота-она безъ-тибор, бемехр бўлган оилада улғайган болалар), иккинчидан, она боласи қалбига ўз вақтида йўл топа олмагани, унга меҳр кўрсатмагани оқибати эканлиги аёнлашади.

Аёллар зўравонлиги жисмоний бўлмайди, лекин таъсири ўта кучли. Яъни эркак кишини тушунмаслик, унинг руҳиятига доимий равишда таъсир кўрсатиш бир кунмас-бир кун вулқон бўлиб отилиши мумкин. Қолаверса, баъзи кичик келишмовчиликлар асосида ҳам аёллар болани қурол қилиб олишига боғлиқ ҳолатлар кузатилади. Шундай экан, баъзи идоралар вакилларининг «Биз ҳар қандай ҳолатда ҳам оналар тарафидамиз», дейишлари бир ёқлама фикр юритишидир.

Қизларни оилага тайёрлаш деганда, биз ф а қ а т уларни

рўзгор юмушларини бажаришга ўргатиш билан чекланмай, дунёқарашини кенгайтиришга ҳам кўпроқ эътибор қаратишимиз керак. Мен дунёқарашини кенг, хунари, илми бор аёллар билан муаммога дуч келса, вазиятдан чиқиб кетишнинг ўнлаб усуллари ҳақида бош қотиришини жуда кўп кузатганман. Аммо қўлига китоб ушламаган, оилани фақат яхши таом тайёрлаш, эр ва қайнона хизматини қилиш деб тушунган қизлар зўравонликка чидаб юради ёки ўзига, фарзандига жисмоний ва руҳий шикаст етказди. Бундай аёллар турмуш ўртоғини ҳам бахтсиз қилади.

ЕЧИМ БОР, САМАРАСИ-ЧИ?

Яқинда «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унда таъкидланишича, бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларига дахл қилувчи жинсий қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белги-ланмаган, хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонликдан ҳимоялашнинг ҳуқуқий кафолатлари мавжуд эмас, таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини етарли даражада таъминлаш имконини бермайди.

— Эндиликда бу турдаги ҳуқуқбузарликлар янада аниқроқ квалификация қилинган ҳолда, аниқроғи, оила аъзоларига нисбатан жисмоний зўравонлик ишлатилиши, шилқимлик қилиш, маийш зўравонлик, болалар, воёга етмаган қизларга нисбатан турли жинсий таъвозу ва бошқа ҳолатлар аниқ белгиланиб, жазо чоралари янада қатъийлаштирилди. — дейди адвокат Замира Ишанова. — Ушбу ўзгаришлар жамиятда шаклланган «Бир-икки шапалоқ билан ҳеч нарса бўлмайди. Эринг таёғини емаган хотин борми!» каби тушунчаларга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади. Янги тартиб-қоидаларнинг амалётида адолатли қўлланилиши одамларда оиладаги зўравонлик тушунчасига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиради. Бирор-бир давлат оиладаги зўравонликни қатъий қонун-чирик нормаларисиз амалга оширмаган, бунинг имкони ҳам йўқ.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, бир неча йиллар давомида доимий равишда жисмоний зўравонликка учраб келган аёллар орасида охир-оқибат эрининг ҳаётига нуқта қўйишга уринганлари ҳам учраган. Афсуски, уларга жазо тайинлашда уларни мунтазам таъқирлангани, руҳий ҳолати мувозанатдан чиқиб кетгани эътиборга олинмайди. Чунки бу аёллар ҳеч кимга муурожаат қилмаган, оиладаги зўравонликдан баъзи қариндошларидан бошқа ҳеч ким хабар топмаган.

Қонунчиликдаги хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масаласидаги ўзгаришлар маийш зўравонлик ҳамда қатъий жазо чоралари белгилангани билан аҳамиятлидир. Эндиликда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида бу масалалар жойида ҳал этилса ва адолатли ечим топса, йиллар ўтиб, айни турдаги ҳуқуқбузарликлар анча камаяди.

Тўғри, соҳадаги ўзгаришлар ижтимоий тармоқларда, айниқса, кучли жинс вакиллари ўртасида бироз киноя билан қабул қилиниб, «Энди хотинини урганга фалон йил, ўлдирганга писмандонча йил» қабилидаги луқмалар ташланди. Агар экспертлар фикрига таянсак, оиладаги зўравонлик, биринчи навбатда, ўғил болалар ҳаётига салбий таъсир кўрсатади, улар воёга етганларида ҳам ўз ҳаётларини кемтик ҳолда ҳис қилишда ёки зўравонликка мойил бўлишда. Ҳаётда учрайдиган кўп иллатлар эса жамиятнинг кичик бўғини — оиладан бошлабдир. Биз бу иллатларга иссиғида чек қўйишимиз шарт!

Гулрўх МҶМИНОВА

Ўтмишга бир назар



Архив

ТУРКИСТОН ИҚТИСОДИНИ «БОНКАЛАР» БАРБОД ҚИЛДАНМИ?

XX аср бошларида банклар Марказий Осиё иқтисодиёти ривожига, хусусан, маҳаллий аҳоли ҳаётида сезиларли роль ўйнаган. Аммо ҳозиргача ўша даврдаги банклар тарихи бир томонлама ўрганилган ва етарли даражада ёритилмаган.

1914 йили «Ойна» журналда жадидларнинг таниқли намояндаси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Ох, бонкалар бизни барбод этди» сарлавҳали мақоласи чоп этилган эди. Уни синчиклаб ўқиган киши ўша кезлар айб аслида банкларда эмас, бильякс, даврнинг ўзида, одамларнинг иқтисодий саводхонлиги паст бўлганида эканлигини англаб етати.

Бугунги юксак технологиялар даврида эса банклар, мутафаккир алломаси умид билдирганидек, инсон капитали ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шубҳасиз, бундай шароитда тарихни чуқурроқ ўрганиш ва ҳолис ёритиш мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Оқдигина бир мисол: Ўтмишда диёримизда хусусий банклар фаолият юритган. Янгиланаётган Ўзбекистонда ҳам уларнинг сони кўпаймоқда. Бу нафақат республика иқтисодиёти, балки ижтимоий ва маданий соҳалари ривожига ҳам туртки бўлмоқда.

Маълумки, XIX асрнинг 60-70-йилларида Россия империяси Марказий Осиёни забт этиб, ҳудуддаги иқтисодий ва сиёсий ҳаётни назорат қилди. Хусусан, савдода ўз таъсирини кучайтириш ҳамда асосий транзит йўллари устида назорат ўрнатishi учун аста-секин молиявий экспансияси бошлади.

Тошкентда банк очиш жараёнида ҳам айнан шу мудио кўзланган эди. 1875 йили бу шаҳарда давлат банкининг филиали очилди ва узоқ вақт давомида (XIX асрнинг 90-йилларида) Туркистондаги ягона молия муассасаси бўлиб қолди. У мустамакка маъмуриятнинг бюджет маблағларини назорат қилар ва савдони ривожлантириш учун кредит ажратарди.

Ўша даврда Туркистонда ўзига хос «капитализм» мавжуд эди. На савдо, на саноат, на банк капитализми, дея олмайдиганимиз ушбу тизим маъмурият ва метрополия томонидан қўллаб-қувватланарди.

Марказий Осиёда тижорат банклари XIX асрнинг 90-йилларида вужудга кела бошлаган. Хусусан, 1893 йилда Волга – Кама тижорат банки Тошкентда ўз филиалини очган. Тижорат банклари билан маҳаллий савдо фирмалари ва савдо уйлари рақобатда бўлган ҳамда ва ҳамкорлик қилган (Вадьяев савдо-саноат ширкати, Потеляхов ширкати, Искандар ширкати, Форс ширкати, Москва Савдогар ширкати (Швецов), «Торпрого» ва бошқалар).

Худудда тижорат банкларининг пайдо бўлиши минтақада пахтачилик ва темир йўллари ривожига билан боғлиқ эди. Бу соҳалар раванқ топиши сабабли Туркистонда тижорат банклари сони 1909-1914 йиллар мобайнида 7 тадан 42 тага етди. Улар ичидан энг омадлиси худудда 13 та филиалга эга Рус – Осиё тижорат банки эди. Аслида у Россия империясининг забардаст молия муассасаси бўлиб, халқаро молиявий тузилмада дунёнинг тўққизинчи энг йирик банки ҳисобланарди. 1913 йили банкнинг Россия империясида 89 та бўлими, жаҳонда эса 18 та филиали бўлган. Улар Лондон, Париж, Пекин, Шанхай, Иокогама, Бомбей ва Нью-Йоркда жойлашган. Асосий фаолияти оғир саноатни молиялаштириш ва темир йўллари қуриш саналган мазкур молия муассасаси Марказий Осиёда пахтани сотиб олар ва ўртақашлик қилар, ўз навбатида, темир йўллари қуриш ва электростанциялар барпо этишни молиялаштирарди. 1917 йили банк назоратида 144 та саноат, савдо-сотиқ ва транспорт компанияси мавжуд бўлган.

Ўша даврда Марказий Осиё ҳудуди молия институтлари учун халқаро алмашувда муҳим роль ўйнавчи қулай плацдармга айланди. Масалан, Рус – Осиё банкининг Карки бўлими (Амударё бўйида) Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг Афғонистон билан савдосига таъсир кўрсатарди. Тижорат банкларининг Ашхобод филиаллари Эрон ва Афғонистон экспорти ва импортига назорат қилар. Кўзон бўлими эса Хитой ва Қашқар савдосида аҳамиятли мавқега эга эди.

Фарғона водийсидаги иқтисодий инқирозлар (1907-1908, 1911-1913 йиллар) Рус – Осиё тижорат банкига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Сабаби, биринчидан, Ливерпуль биржасидаги Америка пахтаси нархлари, иккинчидан, ҳосилдорлик пастлиги эди. Чунончи, 1907-1908 йилларда пахтадан анча кам ҳосил олинди. Оқибатда банклар вексель кредитини камай-тиришга мажбур бўлишди. 1911 йили инқироз тақрорланди ва енгил саноатга яхшигина зарба берди. Бундан, айниқса, москвалик фабрика эгалари молиявий азият чекишди. Маҳаллий фирмаларнинг банклардан қарздорлиги 1910 йил 1 ноябрда 38 миллион рублни, 1911 йилнинг 1 ноябрига келиб эса 47 миллион рублни ташкил этди.

Биринчи жаҳон уруши даврида пахтанинг харид нархлари ошса-да, Туркистондаги иқтисодий аҳвол ўнганмади. Инфляция ва чайқовчилик эса гуллаб-яшнади. Албатта, бу борада барча муаммоларни фақатгина молиявий институтлар фаолияти билан боғлаш адолатдан эмас. Пахтага тааллуқли чайқовчилик урчишига тижорат банкларининг пухта ўйланган кредит сиёсати, тушунарли қонунчилик базаси йўқлиги, шунингдек, Фарғона ва Тошкент бозорлари савдо фирмалари томонидан «монополаштирилган» ҳам сабаб бўлган эди.

Биринчи жаҳон уруши, ишлаб чиқарувчиларнинг фирмаларга қарамлиги, паст ва тартибга солинган нарх-наво тўғрисида Туркистонда XIX асрнинг 90-йилларидаги бунён ишлаб келётган империя модели охир-оқибат инқирозга эъ тутди. 1917 йилнинг 14 декабрида Умумроссия марказий ижроия қўмитаси (ВЦИК)нинг банкларни миллийлаштириш декретига кўра, банк давлат мулки деб эълон қилинди.

Ўтган асрнинг 20-30-йилларида собиқ иттифоқда Туркистоннинг иқтисоди ва молия тарихига бағишланган биринчи йирик асарлар вужудга келди. Табиийки, муаллифлар марксист бўлишган ва бу асарлар марксист-ленинизм назарияларига мослаштирилган. Капиталистик муносабатлар ва молиявий хизматлар ривожига фақат қоралар, банк тарихи талқинида кўпинча салбий атамалар ишлатиларди. Масалан, «чет эл капитали босқини», «бўйсундириш», «монополизация», «эксплуатация» ва ҳоказолар. Боз устига, тарихчилар банклар архивидан фойдаланишмасди. Чунки уларда тегишли ҳужжатлар ҳали тартибга солинмаган ва илмий айланмага олиб кирилмаганди. Тарихчиларнинг асосий мавзуси мустамакчилик, ишлаб чиқарувчи кулларнинг ҳолати, империализм муаммоси, «капитал босимидан озод бўлиш» эди.

Сирасини айтганда, совет тарихчилари банкларни ёмонлашар, уни капиталистик эзish қуроли ва аҳолини талаш воситаси деб тушунишарди. Масалан, ўша даврнинг йирик тадқиқотчиларидан бири А.Содиқовнинг фикрича, «молия капиталининг фаолияти Хивадagi мавжуд пул-товар ва кредит тизимини ўзгартирмади, фақатгина ўртақашлар орқали банк капиталига ишлаб чиқарувчиларни яратиб, ўзига хос иерархия яратди». Аммо архив ҳужжатлари таҳлилидан маълум бўлишича, банк тизими Бухоро амирлигида ҳам, Хива хонлигида ҳам ҳеч қандай «иерархия» яратмаган.

Туркистон банклари фаолиятини ўрганган шўро олимларидан бири Б.Искандаров «Банклар Ўрта Осиё шароитида иқтисодиётни ривожлантиришда қатта роль ўйнамаган», деб таъкидлаган. Н.Хотамов эса «Россия молия капитали ўз мустамакчиликка – Ўрта Осиёда ерли банклар ҳолати билан қизиқмаган, чунки улар худудда Россиядан мустақил равишда вужудга келишган эди ва шунинг учун заиф эдилар ва Ўрта Осиё иқтисодиётига катта таъсир ўтказишмаган», деб ёзган.

Бизнингча, айнан банклар чайқовчиликни маҳаллий бозорларда қўллаб-қувватлашган. Натижада худуд иқтисодиётининг «модернизацияси» секинлашган.

Нима бўлганда ҳам, ўтмишни ўрганиш келажак учун кўп нарса беради. Хусусан, банк ва молиявий муносабатлар тарихини оидинлаштириш банкларимиз фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашди ва янгиланаётган Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон молиявий тизимига интеграциясини осонлаштиради.

Бахтиёр АЛИМДЖАНОВ, тарих фанлари номзоди



ЎЗИ УЧУН ЭМАС, ЎЗГАЛАР УЧУН ЯШАГАН

ИШОНЧ

Хотира



Сафар ака билан коронавирус деган бало авжига чиққан, ҳамма ўзини асраб-авайлашга уринаётган пайтларда учрашиб қолдим. Ўша куни унча узоқ суҳбатлашмадик. Чунки иккимиз ҳам шошиб тургандик. Қолаверса, Сафар ака анча ҳорғин эди, кайфияти ҳам яхши эмаслиги сезилиб турарди. Сабабини сўрадим.

– Ука, яқиндагина Эшон бува билан гаплашгандим... – деди у маҳзун кайфиятда.

– Аъзамхон Баҳромовни айтма-янгисими?... Ҳа, энди начора, бандалик-да... Айтганча, сизлар анча яқин эдиларингиз.

– Ўзи кўнгирак қилиб, шу кунларда вирусдан қандай сақланаётганини, менимани кераклигини эринмай тушунтирганди. Шундай ажойиб инсондан айрилиб ўтирибмиз-а...

Бу хасталик кўпларни олиб кетаётганлигини айтиб, акага далда берган бўлдим-да, «Ўзингизни асранг», деб хайрлашдим.

Сафар аканинг ҳаётини анча яхши биламан. Болалиги азобда ўтганидан ҳам хабардорман. Ҳар гал учрашганимизда, кундалик ишлари ва ўй-ташвишларини кўравериб, кўзимиз пишиб кетганмикан, деган ўй-хаёлларга борардим. Унга «Энди турмуш ташвишларини бир четга суриб, ўзингиз учун ҳам яшанг!» деган гапни менадан бошқалар ҳам кўп айтганди. Аммо кишига алам қиладиган жиҳати шуки, акани ўзгариша олмадик. Ўзгаришиб бўлмасди ҳам. У учун дам олиш кунлари йўқ эди.

Газетчилик дерди-да, севган ишига шўнгиб кетар, сал бўш қолса, ўзгалар ташвиши билан андармон бўларди. Шахсий ишлари учун эса вақт тополмасди...

Ўша учрашувимиздан сўнг кўп ўтмай Сафар аканинг ўзи ҳам коронавирус хасталигига чалинди. «Кўринмас ёв» қаттиқ ёпишган экан шеклли, уни ҳам бу ёруғ дунёдан олиб кетди.

Ҳамиша ораста кийинадиган, газетани сўнгги саҳифасигача ўқийдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз сўзини айта

жуссаси унчалик эътироф этганидек, «отнинг калласидай» юраги бор эди. Аммо ўша юрак ҳам чарчашини, катта шифохонанинг бир четидаги хонада кўққисдан тўхтаб қолишини ҳеч ким хаёлига келтирмаганди.

Жанозага эртарақ келган ҳамкасбларимиздан бири аканинг уйини сўраганида, «У киши тўрт қаватли бионинг деразаси очик «уч хонали қасрча»-сида бир умр яшаган», деб йўл кўрсатдим.

Ҳа, ака барча шодликка тўла ва қайғули кунларини шу ерда ўтказди. Тобути кўтарилиши чоғида ҳам қўш-ниларига яхшилик қилиб кетди. Тонг саҳардан келган катта машиналар ёрдамида депутат, энг асосийси, катта журналист яшаган уй атрофи теп-текис қилиб асфальтланди.

...Куз кунларининг биринида ишхонада ўтирган-дими, телефон жиринглаб қолди. Гўшакка қўлоқ тутсам, кўнгирак қилаётган Сафар ака экан. Саломлашдик.

– Анваржон, келаси яқинда вақтингиз борми?

– Бўшман, ака.

– У ҳолда сиздан бир илтимос. Арзимас маошга Чирчиқдан келиб ишлайдиган бир корректор синглимиз бор. У ўғил тўй қилаётган экан. Иложи бўлса, бир санъаткорни топиб, бирга бориб келса, дегандим. Ҳамма харажатлари менадан.

– Бўлди, борамиз. Бойлар ё амалдорниқига бормасак ҳам бўлаверади...

– Ҳўп, келишдик.

Ўша куни Чирчиқдан ўтгач, чек-кадаги тўйхонани топиб бордик. Биз айтган санъаткорлар хизматда экан. Ичкарига – Тошкентдан борган меҳмонларга алоҳида тайёрланган хонага кирмадик. Олдинда раҳматли Шерали полвон, ўртада Сафар акам ва мен, орқада Ваҳоб полвон. Ҳамма бизга қарайди. Бу баҳайбат, девкелбатли полвонлар қаердан келди, деб ҳайратга тушганлар ҳам кўп бўлди. Тўй туғач, корректор ходимнинг қувонч-

чиқмаса керак. Имом-домла жаноза олдиан марҳумнинг ҳамкасб дўсти сифатида Остонавга сўз берди. У атиги 5-6 дақиқа гапирди. Пашша учса билинадиган манзара. Менинг назаримда, ўша куни Ҳасанбойнинг эрталаб иссиқхонага кириб, кечкурун чиқадиган меҳнаткашидан тортиб, бадавлат гулчисигача – барчаси забардаст журналист, ажойиб инсон Зиёвуддин аканинг кимлигини қайтадан кашф этди.

Тошкентга кириб келишимизда Эшматов домла бир гап айтди: «Остонавнинг гапларини таҳрир қилиб бўлмайди. Сўзи зўр, сўздан ўзи зўр. Бир зўримизни сўнгги манзилига ҳам зўр сўзлар билан кузатдик». Ҳамма сукутга толди. Орти-мизда Ҳасанбой хувиллаб қолгандай туюлди...

Ҳаётда баъзиларга бир умр яхшилик қилсанг ҳам, раҳматли ҳофиз инимиз Маъмуржон Тўхтасинов қуйлаганидек, «на айтади, на қайтади». Сафар акамиз умр бўйи ўзгалар ташвиши билан яшади. Одамларга қўлидан келганича яхшилик қилди.

Акамизни сўнгги манзилга кузатганимиздан кейинги куни фотихага таниқли олим Азамат Зиё ҳам келди. Бироз ўтиргач, Сафар аканинг фарзанди Бахтиёржонни ёнига чақирди. Унинг ўзи, акиси ва синглиси қаерда ишлашгани сўраб-сориштирди. Кетар чоғида «Укам, отанг жуда ажойиб инсон эди. Менга ҳам жуда кўп яхшиликлар қилганди. Буни асло унутмайман. Уйларингда қандай муаммо ва масала пайдо бўлса, албатта, мени топ», деб тайинлади.

Дилдан чиққан бу гапларни эшитарканман, бир умр ўзини эмас, ўзгаларни ўйлаб яшаган Сафар ака бир чеккада мийиғида қулганча бизларни

кузатиб тургандай бўлди. Ҳар гал ўша кунни эсласам, ўлим ҳақлига тан берган ҳолда, яхшилик барибир ҳар нарсадан устун келишига иймон келтираман.

Ушбу мақолага нуқта қўйиб, ташқарига чиққан пайтим журналист синглимиз Робия Худойбердиевага дуч келдим. У йиллар давомида ижарада яшаб, яқиндагина уйли бўлганидан хабардор эдим. Қутилмаганда «Уй олишимга Сафар аканинг номи ёрдам берди», деган гапни айтиб қолди.

– Қандай қилиб, ахир, сиз уйли бўлган вақтда Сафар ака аллақачон оламдан ўтганди-ку!.. – дедим мен ажабланган кўйи.

– «Сувсозлар» даҳасидаги ўша уйни қурганларнинг каттаси – Фарҳод исмли кишига учрашдим. Нарҳига келганда, тўловдан қийналиб қолишимни айтдим. У бир зум жим қолгач, касбимни сўради. «Журналистман», деганим ҳамона «Унда Сафар Остонав деган журналистни биласизми?» деб сўради. «Албатта, биламан. Ҳатто у кишининг раҳбарлигида ишлаганман», деганимдан сўнг дарҳол ёрдам-чисири чақирди. Унинг олдида «Сафар аканинг номини эслатганингиз учун уй нархининг 25 миллионидан воз кечамиз, бошқа оложим йўқ-да, синглим!», деди. Ўша куни мен ўзимни бошпанаси бор энг бахтли инсон деб билганман. Ўзи бу дунёдан ўтсаям, номи менинг уй олишимга сабаб бўлган инсонни унутишим мумкин эмас. Шу боис ҳар сафар Сафар акани эслганимда, «Аканинг жойи жаннатда бўлсин!» деб дуо қиламан.

Робиянинг гапларини эшитиб, қоғозга туширгач, қурувчи йигитнинг телефон рақамларини ҳам ёзиб олдим. Вақти-соати келиб учрашса, унга алоҳида миннатдорлик билдиришчман.

Анвар АБДУВАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Сафар аканинг ҳаётини анча яхши биламан. Болалиги азобда ўтганидан ҳам хабардорман. Ҳар гал учрашганимизда, кундалик ишлари ва ўй-ташвишларини кўравериб, кўзимиз пишиб кетганмикан, деган ўй-хаёлларга борардим. Унга «Энди турмуш ташвишларини бир четга суриб, ўзингиз учун ҳам яшанг!» деган гапни менадан бошқалар ҳам кўп айтганди. Аммо кишига алам қиладиган жиҳати шуки, акани ўзгариша олмадик. Ўзгаришиб бўлмасди ҳам. У учун дам олиш кунлари йўқ эди. Газетчилик дерди-да, севган ишига шўнгиб кетар, сал бўш қолса, ўзгалар ташвиши билан андармон бўларди. Шахсий ишлари учун эса вақт тополмасди...

ли кўз ёшларини кўриб, акага яна бир бор тан бердим. Ҳолбуки, шаҳарнинг қоқ ўртасида яшовчи ходимининг маросимига боришни ўзига эп кўрмаган амалдорчаларнинг қанчасини кўриб, ўрганиб қолганимиз ҳам бор гап.

Акамизнинг нутқи жуда равон эди. Тошкентнинг шундоққина биқинидаги Ҳасанбой қишлоғида яшовчи таниқли журналист Зиёвуддин Ортиққўжаев оғир хасталиқдан сўнг оламдан ўтган кунги бир воқеа унинг жанозасида қатнашганларнинг эсидан сира

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши 2023 йил 26 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 4-а уйда бўлиб ўтишини маълум қилади

КУН ТАРТИБИ:

1. Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Банкнинг 2022 молиявий йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини ҳамда 2023 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқаруvinинг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банкнинг 2022 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш.
5. Банк Кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ҳамда банкнинг ривожланиш стратегиясига эришиши бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Банкнинг 2022 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.
7. Банкнинг 2022 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш.
8. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
9. Банкнинг 2023 йил учун ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш.
10. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг

- яниг таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.
11. Яниг таҳрирдаги «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш.
12. Яниг таҳрирдаги «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш.
13. Яниг таҳрирдаги «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруvinи тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш.
14. Яниг таҳрирдаги «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши ва унинг кўмиталари, Кузатув кенгаши Раиси ва аъзолари фаолиятини баҳолаш қоидаларини тасдиқлаш.
15. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг Корпоратив бошқарув Кодексини бекор қилиш.
16. «Туронбанк» АТБ бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини (КРП) тасдиқлаш.
17. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг яниг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
18. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан банкнинг кафиаланган шахслари билан келгусида банкнинг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар ҳамда йирик битимлар рўйхатини аниқлаш ва уларнинг амалга оширилишини маълумлаш.
19. Банк балансидан ташқари ҳисобрақамга олин-

- ган активларни ҳисобдан чиқариш.
 20. Банк Бошқаруvinи Раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш масаласини кўриб чиқиш.
- Умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар бериш учун акциядорлар реестри 2023 йил 2 июнь ҳолатига, умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқида эва бўлган акциядорлар реестри 2023 йил 20 июнь ҳолатига тузилди.
- Банк Кенгаши акциядорлардан шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакилларидан эса шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома билан йиғилишига келишларини сўрайди.
- Банк акциядорлари ва улар номидан вакиллар 2023 йил 26 июнь куни соат 10:00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.
- Йиғилишни ўтказиш бўйича қўшимча ахборот ҳамда унда кўриладиган ҳужжатлар билан қуйидаги манзилга ва телефон рақамларига мурожаат қилиш орқали танишиш мумкин: электрон манзил: www.turonbank.uz, «Туронбанк» АТБ Бош офиси (Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-а уй) ҳамда банкнинг барча филиаллари. Телефонлар: +99895 144-60-00; 202-01-01; 202-70-70.

«Туронбанк» АТБ Кенгаши

Эълонлар

2023 йил 13 январда Рустамов Рустам Наимович номига берилган №04-02/21596 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 20 сентябрда «RIM defence» адвокатлик фирмаси адвокати Нарзиқулов Шохрух Мухиддинович номига берилган №2417 рақамли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Зангиота тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2012 йил 10 ноябрда (Реестр рақами №4146) рўйхатдан ўтган Зангиота тумани, Келес шаҳри, Оқибат кўчаси, 12-уйда жойлашган «ABDULLOH ISHONCH BEZNES» (ИНН: 302417919) Масыулияти чекланган жамияти тугатилишини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2021 йил 17 сентябрда «Toshkent IEM» филиалига (СТІР: 200624673) берилган №009454 рақамли лицензия йўқолгани сабабли бекор қилинади.



ISSN 2010-5008
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati rasi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-98-01
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir Z. Rixsieva

Musahhihlar D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:50 Topshirildi – 23:10

Bahosi keshilgan narxda

Manziliimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB «Ipoteka banki» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi».

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-613. Nashr ko'rsatkichi: 133 1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31262 14452 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasini bosmaxonasida chop etildi. Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.